Бугун — меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш ҳаракатининг 25 йиллигига бағишланган шанбалик

# ҲАММА — ШАНБАЛИККА!

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СССР

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 237 (18.714). ● Шанба, 1983 йил 15 октябрь ● Баҳоси 3 тийин.

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ!

# КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИДА

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси ўзининг навбатдаги мажлисида КПСС Марказий Комитетининг Улуғ Октябрь социалистик революциясн 66 йиллигига Чақириқларини тасдиқлади.

Сиёсий бюро КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь Пленуми кўрсатмаларига амал қилиб, ахборот-пропаганда ишининг ғоявий-сиёсий мазмунини янада яхшилаш ва контрпропагандани ташкил этиш юзасидан, оммавий ахборот воситалари ва идеология муассасаларининг фаолиятини, уларнинг ички ва халқаро ҳаётнинг актуал проблемаларига оид чиқишларини, империализмнинг мафкуравий ғаламисликларига, унинг антисовет ва антикоммунистик кирдикорларига қарши курашни мувофиқлаштириб олиб боришни кучайтириш юзасидан бир қанча тадбирларни белгилади.

Жойлардан олинаётган сигналлар ва КПСС Марказий Комитетига тушаётган хатлар муносабати билан Сиёсий бюро меҳнаткашларни ишлаб чиқаришдан асоссиз равишда чалғитиш фактлари тўғрисидаги масалани кўриб чиқди. Ҳозирги вақтда меҳнаткашларнинг беш йиллик шу йилини тугаллаш, ҳосилни йиғиштириб олиш, асосий фондларни ишга тушириш, қишга тайёргарлик кўриш билан боғлиқ бўлган ишда ташкилий равишда иштирок этишидан ташқари, одамларни ишлаб чиқариш зарурати билан алоқадор бўлмаган турли-туман иккинчи даражали ишларни бажаришга чалғитиш практикаси ҳамон давом этиб келаётганлиги қайд этилди. Бир қанча корхоналар, қурилишлар ва муассасаларнинг раҳбарлари, маҳаллий органлар иш вақтининг ҳар хил кенгашлар, слётлар, кўриклар, спорт мусобақалари деб зое кетказилаётганлигига қарши актив курашмаяптилар. Кўп ҳолларда қишлоққа оталиқ ёрдами бериш учун ажратилган ишчи ва хизматчиларнинг меҳнати қониқарсиз ташкил этилмоқда. Айрим хўжалик ходимлари ўзларининг уқувсизликларини, ишлаб чиқаришни ташкил этишдаги камчиликларни ишдан ташқари вақтда иш бажариш ва штурмчилик билан қоплашга уринмоқдалар. Мана шуларнинг ҳаммаси ишлаб чиқаришдаги ишларга салбий таъсир қилмоқда, интизомни бўшаштирмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси республика ва маҳаллий партия органларидан, министрликлар ва идораларнинг раҳбарларидан бу муҳим ишда тартиб ўрнатишни, партиянинг ишлаб чиқаришни ташкил этишни яхшилашга оид талаблари беками-кўст бажарилишини таъминлашни талаб қилди. Асосий ишдан чалғитиш зарур бўлган ҳолатларда унумли, самарали меҳнат қилиш учун ҳамма шароит таъминланиши кераклиги таъкидланди. ВЦСПС, касаба союзлари Марказий Комитетлари ва Советлари олдига ходимларнинг меҳнат ва дам олиши режимига риоя этилиши устидан контролликни кучайтириш, бу масалаларни ҳал этиш чоғида кўпроқ ғамхўрлик ва принципиаллик кўрсатиш вазифасини қўйди.

СССР Қонунлари мажмуаси соҳасидаги иш давом эттирилаётганлиги муносабати билан Сиёсий бюро социал ривожланиш, маданият тўғрисидаги ҳамда совет гражданларининг социал-иқтисодий ҳуқуқларини таъминлаш гарантиялари ҳақидаги қонунларни тўплаб, янада тартибга солиш тўғрисидаги таклифларни кўриб чиқиб, маъқуллади.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси К. У. Черненко ва Б. Н. Пономарев ўртоқларнинг М. Ш. Мессадия бошчилигидаги Жазоир Миллий озодлик фронти партияси делегацияси билан ўтказган музокаралари якунларини кўриб чиқиб, маъқуллади. Бу музокаралар ва шунинг натижасида имзоланган ҳужжатлар иккала партиянинг халқаро вазият асосий проблемалари хусусидаги фикрлари муштараклигини акс эттириши ва КПСС билан Миллий озодлик фронти партияси ўртасидаги, Совет Иттифоқи билан Жазоир Халқ Демократик Республикаси ўртасидаги дўстона ҳамкорликни янада ривожлантириш учун ижобий аҳамиятга эга бўлиши қайд этилди.

Сиёсий бюронинг мажлисида мамлакатимиз ички ҳаётининг ва халқаро аҳволнинг бошқа баъзи масалалари ҳам муҳокама қилинди.



Бухоро районидаги «Ленин йўли» колхозида турсунойчи қизлар кўп. Ёш механизатор Муборак Усмонова ана шулардан бири. Бу йилги мавсумда 250 тонна пахта териш мажбуриятини олган илғор механизатор қуёшли кунларнинг ҳар дақиқасидан унумли фойдаланиб, фидокорона меҳнат қиляпти. Суратда: илғор механизатор М. Усмонова.

А. Мирзажонов фотоси (ЎзТАГ).

## „Оқ олтин" хирмонига

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 14 октябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён.

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| Хоразм | 2,36 | 70,70 | 1,86 | 32,86 |
| Тошкент | 2,01 | 67,82 | 1,77 | 55,08 |
| Бухоро | 1,35 | 66,77 | 0,24 | 6,49 |
| ҚҚАССР | 2,24 | 65,13 | 1,79 | 40,65 |
| Фарғона | 1,42 | 52,73 | 0,52 | 4,50 |
| Наманган | 1,40 | 50,96 | 1,31 | 25,69 |
| Сурхондарё | 1,36 | 50,95 | 1,47 | 26,20 |
| Сирдарё | 1,84 | 50,53 | 1,61 | 44,92 |
| Андижон | 1,40 | 50,09 | 0,71 | 12,40 |
| Қашқадарё | 1,96 | 49,75 | 1,76 | 23,63 |
| Навоий | 2,01 | 49,63 | 0,90 | 9,63 |
| Жиззах | 1,98 | 48,84 | 1,41 | 47,43 |
| Самарқанд | 1,76 | 47,84 | 0,94 | 13,16 |
| Республика бўйича: | 1,73 | 55,12 | 1,25 | 26,69 |
| Шу жумладан ингичка толали пахта: | | | | |
| Сурхондарё | 2,11 | 69,39 | 1,87 | 44,35 |
| Навоий | 2,84 | 65,06 | 2,56 | 9,16 |
| Қашқадарё | 2,77 | 55,32 | 1,78 | 21,79 |
| Бухоро | 1,56 | 54,93 | — | — |
| Наманган | 0,84 | 42,66 | — | — |
| Республика бўйича: | 2,29 | 63,78 | 1,75 | 32,98 |

## РЕСПУБЛИКА МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

● Шу кунгача қабул пунктларига 3268659 тонна «оқ олтин» топширилди. Шунинг 1053109 тоннаси агрегатлар бункеридан тўкилди. Мавсум бошидан буён тайёрланган ингичка толали пахта 261502 тоннага етди.

● Ўтган куни республика пахтазорларидан 102559 тонна пахта териб олинди. Шунинг 49635 тоннаси «зангори кема»лар бункеридан бўшатилди. Шу куни тайёрланган ингичка толали пахта 9397 тоннани ташкил этди.

### МЕҲНАТ ҒАЛАБАСИ

● ҒУЗОР райони пахтакорлари уруғлик пахта тайёрлаш бўйича йиллик план бажарилганлиги ҳақидаги ғалаба рапортига имзо чекдилар. 5500 тонна уруғлик пахта тайёрланди.

Район хўжаликларида уруғлик пахта тайёрлаш қизғин давом эттирилмоқда.

### БУНКЕРЛАР БАРАКАСИ

● СИРДАРЁ областидаги «ОҚОЛТИН» агросаноат бирлашмасида машина терими плани бажарилди. Шу кунгача тайёрланган 16 минг тонна «оқ олтин»нинг 14 минг тоннаси «пўлат этак»лардан тўкилди. 170 терим агрегатининг ҳар бири билан ўртача 95 тоннадан юқори сифатли хом ашё теришга эришилди. Ғани Мамадалиев, Йўлдош Пўлатов, Мўмин Мирзакомилов, ТўлқинУмматқулов каби пешқадам механизаторлар 180—200 тоннадан пахта тердилар.

● Хоразм области далаларида 1263 та «зангори кема» ишлатилмоқда. Уларнинг кунлик иш унуми ўртача 4,1 тоннага тўғри келмоқда. Бу кўрсаткич Боғот районида 5,5 тоннани, Қўшкўпир районида 4,8 тоннани, Янгибозор районида 4,5 тоннани ташкил этяпти.

### МАЖБУРИЯТ БАЖАРИЛДИ

● ГУРЛАН районидаги «КОММУНИЗМ» колхозида яна икки бригада социалистик мажбуриятини бажарди. Отажон Бобожонов ва Олломберган Қозоқов бошлиқ бригадалар ҳар гектар ердан 48—50 центнердан хирмон кўтардилар. Пешқадам бригадалар ҳосилдорликни 55—60 центнерга етказиш учун курашмоқдалар.

### МЕХАНИЗАТОР ШАРАФИГА

● ЗАДАРЁ районидаги «УКРАИНА» совхози марказида илғор механизатор Сирожиддин Киромиддинов шарафига Меҳнат шуҳрати байроғи кўтарилди. У бир кунда ўз агрегати бункеридан 15 тонна юқори сифатли «оқ олтин» тўкишга эришди. Мавсум мобайнида 400 тонна пахта териш мажбуриятини олган Сирожиддиннинг шу кунгача уйган хирмони 225 тоннага етди.

● Меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш учун бошланган социалистик мусобақанинг 25 йиллигига бағишланган шанбаликни пахтазорлардаги зарбдор меҳнатимиз билан нишонлайлик!

Ҳамма ерда кунлик графикларни ортиғи билан бажариб, 6 миллион тонналик улкан «оқ олтин» хирмони тезроқ тикланишига муносиб ҳисса қўшайлик!

# КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

**Ф. Н. Самойлов номли Иваново ип газлама комбинати, Москвадаги «Заря» пойабзал ишлаб чиқариш бирлашмаси, Дмитровдаги «Юность» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси, КПСС XXV съезди номли Ворошиловград трикотаж фабрикаси, «Уралмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Вильнюс» мебель комбинати коллективларининг юқори сифатли халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун социалистик мусобақани авж олдиришга оид ташаббуси тўғрисида**

КПСС Марказий Комитети мамлакатда юқори сифатли халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун социалистик мусобақани авж олдиришга даъват этган ва 1984—1985 йиллар учун оширилган мажбуриятлар қабул қилган РСФСР Тўқимачилик саноати министрлигига қарашли Ф. Н. Самойлов номли Иваново ип газлама комбинати, Москвадаги «Заря» пойабзал ишлаб чиқариш бирлашмаси, РСФСР Енгил саноат министрлигига қарашли Дмитровдаги «Юность» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси, Украина ССР Енгил саноат министрлигига қарашли КПСС XXV съезди номли Ворошиловград трикотаж фабрикаси, Оғир ва транспорт машинасозлиги министрлигига қарашли «Уралмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Литва ССР Мебель ва ёғочсозлик саноати министрлигига қарашли «Вильнюс» мебель комбинати коллективларининг ташаббусини маъқуллади.

КПСС Марказий Комитети бу ватанпарварлик ташаббусини меҳнат коллективларининг ишлаб чиқараётган маҳсулот сифатини бутун чоралар билан яхшилаш учун кураш ҳаракатига янги омил бағишлаш, КПСС XXVI съездининг совет халқи фаровонлигини янада юксалтиришга оид қарорлари бажарилишига муносиб ҳисса қўшиш йўлидаги интилиш, деб баҳолайди.

Иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетларига, ўлка, область, шаҳар ва район партия комитетларига, бошланғич партия ташкилотларига, иттифоқдош ва автоном республикалар Министрлар Советларига, халқ депутатлари маҳаллий Советлари ижроия комитетларига, ВЦСПСга, ВЛКСМ Марказий Комитетига, министрликлар ва идораларга энг замонавий намуналарга мос бўлган халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун ишчилар, бригадалар, цехлар, корхоналар ва ишлаб чиқариш бирлашмалари ўртасида социалистик мусобақани авж олдириш юзасидан ташкилотчилик ва сиёсий ишлар олиб бориш таклиф этилди. Корхоналар, илмий-тадқиқот, конструкторлик, моделлаштирувчи ташкилотлар коллективларининг куч-ғайрати моллар тури ва сифатини янада яхшилаш, уларни ишлаб чиқаришни кўпайтириш, юксак харидоргир буюмлар ишлаб чиқариш ва ўзлаштириш юзасидан қўшимча резервларни қидириб топишга сафарбар этилсин. Корхоналар ходимларида фабрика ва завод маркаси шарафи учун масъулият ва ўз касбидан фахрланиш туйғулари тарбиялансин.

Газета ва журналлар редакцияларига, СССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетига социалистик мусобақада коллективлар эришган ютуқларни мунтазам ёритиб бориш, ишлаб чиқариш илғорлари тажрибасини кенг пропаганда қилиш, корхоналар ишини чуқур ўрганиш, уларнинг фаолиятини янада малакали ёритиш, халқ истеъмол моллари сифатини ошириш ва уларни ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун курашда меҳнаткашларнинг ижодий активлигини оширишга кўмаклашиш топширилди.

# ОРБИТАДА ВЕНЕРАНИНГ ЯНГИ СОВЕТ ЙЎЛДОШИ

ОЛИС КОСМИК АЛОҚА МАРКАЗИ, 14 ОКТЯБРЬ. (ТАСС). 1983 йил 14 октябрь Москва вақти билан соат 9 дан 22 минут ўтганда иккинчи «Венера-16» планеталараро автомат станцияси Венера сунъий йўлдоши орбитасига чиқарилди.

«Венера-16» станцияси мўлжалланган мақсади ва илмий аппаратларининг таркиби жиҳатидан 10 октябрь куни Венеранинг сунъий йўлдоши бўлиб қолган «Венера-15» станциясидан фарқ қилмайди.

Илгари хабар қилинганидек, «Венера-16» станцияси 1983 йилнинг 7 июнида планеталараро траекторияга чиқарилган эди. Радио-алоқа сеансларида унинг учиши бошқарилиб, станция ичидаги системаларнинг ҳолати контрол қилиб турилди, телеметрик ва илмий ахборотлар қабул қилиб борилди. Учиш программасига мувофиқ станция ҳаракатининг траекторияси 15 июнь ва 5 октябрь кунлари тўғрилаб қўйилди.

14 октябрь куни тормоз бериш учун мотор қурилмаси ишга солингандан кейин «Венера-16» станцияси планеталараро траекториядан Венера сунъий йўлдоши орбитасига ўтди. Унинг айланиш даври салкам 24 соатга боради.

«Венера-15» ва «Венера-16» станциялари ичидаги системалар ҳамда илмий аппаратлар нормал ишламоқда. Олис космик алоқа марказида станциялардан олинаётган маълумотлар ишлаб чиқилиб, ўрганилмоқда.

Планеталараро икки совет автомат станциясининг учиши Венера планетасининг юзи ва атмосфераси тўғрисидаги илмий маълумотлар ҳажмини анча ошириш имконини беради.

# СИМПОЗИУМ ҚАТНАШЧИЛАРИ — ХОРАЗМ МЕҲМОНЛАРИ

Музикашуносларнинг Самарқандда тугаган иккинчи халқаро симпозиуми иштирокчилари Урганч меҳмонлари бўлдилар. Хива гилам тўқиш комбинатида самимий учрашув бўлиб ўтди. Музикашунослар Хива архитектура ва меъморчилик ёдгорликлари билан, қадимий ўлканинг маданий ҳаёти билан ғоят қизиқиб танишдилар.

Меҳмонлар Хиванинг ёзги кино-концерт залида ўз санъатларини намойиш қилдилар — Афғонистон, Ливан, Тунис, Яқин ва Ўрта Шарқдаги бошқа мамлакатларнинг созандалари мақом лар ижро этдилар.

(ЎзТАГ).

## СССР Олий Совети Президиумининг Фармони

**ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ АКАДЕМИГИ С. К. ЗИЁДУЛЛАЕВНИ ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Иқтисод фанини ривожлантиришдаги, юқори малакали илмий кадрлар тайёрлашдаги хизматлари учун ва туғилган кунига етмиш йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги Саидкарим **Зиёдуллаев Халқлар дўстлиги** ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Ю. АНДРОПОВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.

Москва, Кремль. 1983 йил 14 октябрь.

# «Политотдел» ибрати

Коммунистик районидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Политотдел» колхозининг коллективи партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети 1982 йил май ва ноябрь ҳамда 1983 йил июнь Пленумларининг қарорларини амалга ошира бориб пахта тайёрлаш давлат планини муддатидан аввал, 13 октябрда бажарди. 1500 гектар ернинг ҳар гектаридан 36,3 центнер ҳосил олиниб, тайёрлов пунктларига 5450 тонна «оқ олтин» элтиб берилди. Пахтанинг ҳаммаси биринчи навларга топширилди. Ҳосилнинг 5180 тоннаси ёки 95 проценти машинада терилди.

«Политотдел» колхозининг меҳнатчилари қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ҳамма тармоқлари комплекс ривожланишини таъминлаб, ҳам деҳқончилик, ҳам чорвачилик маҳсулоти етиштиришда юқори натижаларга эришдилар. Давлатга 31800 тонна ёки пландагидан 600 тонна кўп каноп пояси сотилди. Уруғчилик хўжалиги бўлмиш колхоз қимматли маккажўхори уруғлигидан «БЦ-6661» нави биринчи авлоди гибридини давлат планида кўзда тутилганидан икки ҳисса кўп етиштириб берди.

Колхоз меҳнатчилари СССРнинг Озиқ-овқат программасини амалга ошириш учун юксак масъулиятни англаб, чорвачилик маҳсулоти етиштиришни кўпайтиришни таъминладилар. 13 октябргача давлатга 2920 тонна сут сотилди, 800 бош соғин сигирнинг ҳар биридан 4000 килограмм сут соғиб олинди, йил охиригача бу рақам 5000 килограммга етади. Гўшт етиштириш анча кўпайди. Ҳозиргача давлатга 400 тонна ёки йиллик планга нисбатан 1,5 баравар кўп гўшт сотилди. Давлатга гўшт сотиш давом этмоқда. 53,5 тонна ёки планда белгиланганидан 11 тонна кўп пилла етиштирилди. Колхоз ишлаб чиқаришининг барча тармоқларида меҳнат унумдорлигининг ўрта ҳисобда 11,5 процент оширилиши таъминланди.

Шундай қилиб, беш йилликнинг асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш топшириқларини тўрт йилда бажариш учун реал шарт-шароит яратилди.

Келгуси қишлоқ хўжалик йилига ҳозирлик кўра бошлаган коллектив ўзини барча қишлоқ хўжалик экинларининг юқори сифатли уруғлиги билан таъминлаб қўйди, чорвани қишловдан тўқ олиб чиқиш ва молхоналарни иситиш тадбирлари комплекси амалга оширилди. Ҳар бир шартли қорамол ҳисобига 26 центнер хашак озуқа бирлиги ва 13 центнер ширали озуқа бирлиги ғамлаб қўйилди, бу эса чорва молларни тўйғизиб боқишнинг зоотехник нормаларидан ортиқдир.

Давлат пахта тайёрлаш планини бажариб бўлган «Политотдел» колхозининг коллективи беш йилликнинг учинчи йили социалистик мажбуриятларини бажариш — ҳар гектар пахтазордан 45 центнер «оқ олтин» ҳосили олиш учун курашни авж олдириб юборди.

# Толимаржон ГРЭСи қурилади

ҚАРШИ. (ЎзТАГ мухбири). Толимаржон сув омбори яқинида «Узбекгидроэнергострой» деган ёзуви бўлган турар жой вагончалари пайдо бўлди. Бу ерда, қўриқ массивда лойиҳадаги қуввати 3,2 миллион киловатт келадиган электростанция барпо этилади. 13 октябрда янги «электр фабрикаси» қурилишига бағишланган тантанали митинг бўлиб ўтди.

Митинг иштирокчилари янги электростанция Ўзбекистон жанубида ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш, Қарши даштининг қўриқ районларини ўзлаштиришни кескин равишда жадаллаштириш имконини беришини таъкидладилар. Бу эса КПСС XXVI съездининг қарорларида кўзда тутилгандир. Электростанциянинг қурилиши Озиқ-овқат программасининг амалга оширилишига қўшилган муҳим ҳисса бўлади.

Ана шу қурилишда ўзбек гидроэнергосозлари ҳар бирининг қуввати 800 минг киловатт келадиган тўртта энергетика блокини ўрнатишлари лозим. Белгиланган планга мувофиқ бу блокларнинг биринчиси 1986 йилдаёқ ишга туширилиши керак. Бироқ қурувчилар ва монтажчилар орттирилган «Ишчилар эстафетаси» тажрибаси ва методидан фойдаланиб, станцияни бунёд этиш муддатларини қисқартиришга қарор қилдилар.

Митингда СССР энергетика ва электрлаштириш министри П. С. Непорожний нутқ сўзлади.

Митингда КПСС Марказий Комитетининг сектор мудири А. Н. Марчук иштирок этди.

# СССР партия-ҳукумат делегациясининг Вьетнам Социалистик Республикасига қиладиган визити тўғрисида

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Г. А. Алиев бошчилигидаги СССР партия-ҳукумат делегацияси Вьетнам Компартияси Марказий Комитети ва ВСР ҳукуматининг таклифига биноан 1983 йил октябрь ойининг иккинчи ярмида расмий дўстона визит билан Вьетнам Социалистик Республикасига боради.

# ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ўзбек совет адабиётини ривожлантиришдаги хизматлари учун ёзувчи ўртоқ Мирзакалон **Исмоилий**га **«Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби»** фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми кўп йил самарали илмий-педагогик ва жамоатчилик фаолияти учун ҳамда туғилган кунига олтмиш йил тўлиши муносабати билан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг кафедра мудири ўртоқ Ҳаким **Асқаров**га **«Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ирригатор»** фахрий унвони берди.

# Партия турмуши: лавозим ва бурч

# МАҒЛУБИЯТ САБОҚЛАРИ

ОФАТ. Каримов кабинет деразасидан ташқарига қараб ҳайратдан қотиб қолди: ҳозиргина қуёш чарақлаб турган эди — мана энди тўсатдан қор пағалаяпти. Яна қандай! Ўзбекистонда баъзан қиш чилласида ҳам бунақасини кўрмайсиз, ҳозир эса куз ҳам ўз ҳукмига кириб улгургани йўқ. Машинага ўтириб шоферга деди:

— «Ленинград»га ҳайда.

— Бундай ҳавода, Муҳиддин Каримович, хавф...

— Шофер биринчи секретарнинг кескин қорайиб кетган юзига кўз қирини ташлади-ю, сўзини тугата олмади. Раислар оқсоқоли Қ. Синдоровни, райком ходимлари оғир дақиқаларда ҳамиша у билан маслаҳатлашиб туришади, Каримов пахтазордан топди. Бундан уч кун муқаддам ҳар гектар майдон қанчадан ҳосил бериши мумкинлигини чамалаб текшириш ўтказишган ўша далада учратди. Ўшанда икковлари тўлиқ кўсакларга қараб ғоят қувонишганди: ҳосил баракали бўлиши кутиларди. Мана энди офат минглаб кишиларнинг меҳнатини йўққа чиқариб турибди.

— Қўзибоқар ака гектаридан қанчадан ҳосил йўқотамиз, сиз қандай фикрдасиз? — Каримов ўзи аллақачон зарар миқдорини чамалаб кўрган бўлса ҳам раисга шундай савол билан мурожаат қилди.

Раис гўё бу саволни эшитмагандек эди, дала бўйлаб салмоқлаб қадам ташлар, тиззалаб ўтирганича тўкилган пахталарни териб олар, жимгина бошини сарак-сарак қилиб қўярди.

— Фикримча олти-етти центнер ҳосил тўкилиб бўлган, — ниҳоят уҳ ториб деди у. — Бироқ об-ҳаво буёғига қандай бўларкин?

Икки кундан кейин кўкда қуёш боқди. Илиқ шамол ерни тез қуритади деб ўйлаб ўшанда тўкилган пахталарни ердан қўл билан териб олиб, дарҳол, комбайнларни ишга тушириш мумкин деб кутишарди. Пахтакорлар тетикланишди. Бироқ, ташвишнинг ўзи ёлғиз келмайди дейишади. Учинчи кун кечқурунга бориб шимолдан, Қизилқум томондан яна улкан қора булут пайдо бўлди ва Мирзачўл устида туриб қолди. Минглаб катта-кичик далага чиқди, лўппи пахталарни жадал теришга киришишди. Ахир, шунча ҳосилни бир неча соат ичида териб олиш мумкинми! Яна қор ташлаб берди. Энди у узоқ эримай ётди.

**М. КАРИМОВНИНГ ҲИКОЯСИДАН:**

**«Техника кўпайган кейинги йилларда бир кунда минг гектардан зиёд майдондаги пахтани териб олардик. Унинг саксон процентдан кўпроғи машиналар билан териларди. Ўша қийин кунларда эса теримни фақат қўлда ўтказишга тўғри келди. Кунига юз-икки юз гектардаги ҳосил териларди. Одамлар деярли янги йилгача пахтазорлардан чиқишмади. Шунча қийинчиликларга қарамай кўпгина хўжаликлар топшириқни бажаришди. Район эса планни уддалай олмади. Ҳосил мўл етиштирилганди, бироқ табиий офат уни териб олишга ҳалақит берди. Биринчи секретарь бўлиб ишлаётган йигирма йиллик давримда биринчи маротаба район давлат олдида қарздор бўлиб қолди. Бу бизнинг биринчи мағлубиятимиз эди. Фақат пахтачилик барбод бўлгани йўқ, чорвачиликда ҳам иш олға босмади. Озуқа етарли жамғарилмаган экан... Биласизми, кечалари уйқим келмасди...»**

Каримов оҳиста, истамайгина сўзларди. У билан танишиб бу киши эпсиз, лоқайд одам бўлса керак, деб ўйлаш мумкин. Бироқ дастлабки таассурот кишини чалғитади.

ИШОНЧ. Йил охирида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленумида республика коммунистларининг иш натижаларини чиқариш одат бўлиб қолган. Бу—амалга оширилган ишларнинг ўзига хос кўриги. Сирдарё район партия комитетининг биринчи секретари М. Каримов пленумларда одатда олдинги қаторларда ўтирарди. Бу гал президиумдан олисроққа ўтириб олди. Ўзини ноқулай сезарди.

Республика Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов орқароқда ўтирган Каримовни кўзлари билан қидириб топди-да, унинг аҳволини тушунди. Танаффус чоғи унга деди:

— Кўриб турибман Муҳиддин Каримович, районнинг мағлубиятини қалбинг орқали чуқур ҳис этяпсан. Биз сенга ишонамиз. Ўша Мирзачўлни ўзлаштириш давриданоқ яхши ташкилотчи сифатида биламиз. Ўйлаймизки, коммунистлар билан бамаслаҳат вужудга келган аҳволни таҳлил қилиб чиқасизлар.

Сўз даволайди, қанот беради, куч бағишлайди, деб тез-тез гапириб турамиз. Чиндан ҳам шундай. Мана, кимдир Каримовнинг елкасидан ҳам энг оғир юкни олиб ташлагандай бўлди. У тетикланди. Бироқ худди мана шу ўринда чуқур фикрлашга тўғри келади. Чунки гоҳи билдирилган ишонч оқланмайди. У ёки бу ўртоқ: «бажарамиз» деб ишонтиради-ю, ўз сўзини шу заҳотиёқ унутиб юборади. Каримов бундайлардан эмас. Унинг тупроғи бошқа ердан олинган.

Сиз Мирзачўлни майли, кинода бўлса ҳам, кўрганмисиз? Йўқ, ҳозиргисини эмас, ўша, унинг аввалги ҳолатини. Жонсиз тақир ер, айтиш мумкинки, дўзахнинг ўзгинаси. Худди мана шу дўзахга 1948 йили комсомол аъзоси Муҳиддин Каримов кўнгилли бўлиб келди. Ёлғиз ўзи эмас — хотини Ўғилойни, жажжи болаларини ҳам олиб келди. Отаси ва онасини, қўшниларини Фарғона водийсидаги ўсиб-унган ерларни ташлаб чўлга келишга кўндира олди... Дастлабки вақтлари ертўлаларда яшашди. Чўлдан қаричма-қарич ерни юлиб ола бошлашди. Даставвал Каримов «Қизил тонг» колхозига раис бўлди. Ўзини моҳир ташкилотчи сифатида кўрсатди, шунинг учун уни ўша пайтдаги қолоқ Сирдарё районига биринчи секретарликка тавсия этишди. Каримов районни илғорлар қаторига олиб чиқди.

...Райкомнинг «Волга»си тезлигини ошириб асфальт йўлда ғизиллаб бормоқда. Йўлнинг сўл томонида — ариқлар билан бўлинган тут ва толлар қуршовидаги яхши ишланган пахтазор ястаниб турибди. Ўнг томонда — мевазор боғ. Дафъатан қадим-қадимлардан бу ерларда одам яшаб келгандек туюлади.

— Толларни қўпориб ёнғоқ ўтқазмоқдамиз. Ҳозирдаёқ қирқ гектарга етиб қолди. Мана, токзорлар барпо этдик, — биринчи секретарь ойнага ишора қилди. — Ўтган йили дастлабки минг тонна узумни топширдик. Беш йиллик охирига бориб ўн минг тонна сотиш вазифасини қўйдик. Тўрт миллион дона лимон берамиз. Энди ҳозир ўзингиз кўрганингиздек, лимонарийлар фақат колхозлар ва совхозлардагина мавжуд эмас.

Биринчи секретарь биз ҳозиргина бўлганимиз—автотранспорт корхонаси ёрдамчи хўжалигини кўзда тутарди. Шоферлар ишдан бўш вақтларида темир-терсак ташланадиган жойда теплица комбинати тиклашди. Секциялардан бирига лимон ўтказишди, бошқасида йил бўйи помидор, бодринг, хилма-хил кўкатлар ўсади. Буларнинг ҳаммасига қараб туришни пенсияга чиққан шофер О. Фармоновга топширишди.

— Автобазада чорвачилик цехи ҳам бор, биз уни шундай атаймиз, — деди корхона директори Д. Дўсматов.— Пай асосида қирқ сигир, эллик бузоқ сотиб олдик. Қўй-эчкилар кўпайтирдик. Бу ҳаммага ёқиб қолди.

Энди олтмиш корхонада ёрдамчи хўжалик мавжуд.

— Раҳбарлар бунга осонгина кўна қолишмади, — ҳикоя қилади Каримов. — Ишонтирдик, кўрсатдик, ҳаммани шу ерга, автобазага қайта-қайта олиб келдик. Иш аста-секин юришди.

...Суҳбат билан бўлиб машинамиз кўм-кўк дарахтлар орасидаги бино ёнида тўхтаганини пайқамабмиз.

— «Правда» колхозининг бахт уйи, — деб қўйди ифтихор билан Каримов. — Ҳамма тўйларни энди мана шу ерда ўтказишади, бошқа тантаналарни нишонлашади. Правление махсус кишиларни ажратди: буюртма бердингми улар ҳамма нарсани тўғрилашади. Сен фақат меҳмонларни таклиф қилсанг кифоя.

Сирдарёликлар кўп қуришаяпти. Янги қишлоқлар, посёлкалар барпо этиляпти. Икки қаватли квартиралар ўз қулайлиги жиҳатидан шаҳар квартираларига тенглашади. Мирзачўл энди мана шундай қиёфага кирди. Сирдарё районн бу чўлда энг яхшиларидан бири эди. Кутилмаганда қоқилди...

**М. КАРИМОВ ЎЗ-ЎЗИГА БЕРГАН САВОЛЛАРДАН:**

**Республика Компартияси Марказий Комитетининг пленумидан қайтгач биринчи секретарь бу саволларни илгари сурди. «Фақат ёғингарчиликкина район планини бажаришга халақит бердими! Нима учун бирдек об-ҳаво шароитида баъзи хўжаликлар топшириқни уддалашди, бошқалари эса — йўқ! Келгусида бундай ҳол такрорланмаслиги учун нима қилмоқ керак!»**

Саволларнинг ҳаммаси мураккаб, уларга жавоб бериш учун вақт керак эди.

ТАҲЛИЛ НИМАНИ КЎРСАТДИ? Каримовнинг вақти етарли эди, қиш кириб келаётганди. Лекин у ўз саволларига ёлғиз эмас, барча коммунистлар билан бирга жавоб излади. Саволларни аввалига район партия комитети бюросининг мажлисига қўйди. Ҳар бир партия ташкилоти ишини муфассал таҳлил қилиб чиқишга,ҳамма плюс ва минусларни эътиборга олишга қарор қилинди.

«Сирдарё» совхозида партия йиғилишидаги гаплар ёдига тушди. Хўжалик давлатдан 2200 тонна пахта қарздор бўлиб қолганди.

— Бизнинг ҳамма муваффақиятсизликларимиз меҳнат интизомининг бузилишидан, — деди бригадир Т. Ярашов. — Кўплар умуммманфаатига зид равишда томорқа участкалари билан машғул бўлиб кетишди. Пахтани эмас, ўзларининг ковунтарвузларини сақлаб қолишга ёпишишди. Бригада пудратига дадилроқ ўтиш керак. Ҳар гектардан 32 центнердан пахта етиштирган Т. Синдоров бригадасининг намунаси ахир худди мана шуни кўрсатмаяптими? Ёнма-ён ишлаётган Т. Ўролов, К. Абдуллаев, З. Тўраевларнинг бригадаларидаги натижалар эса паст.

— Тўғри, ҳамма ҳосилни йиғиб олишга ёғингарчилик ҳалақит берди. Нима учун совхозимиз гектаридан қўшни хўжаликларга қараганда тенг ярим кам беда ва бошқа озуқалар етиштирди? — Сут соғувчи О. Омонова шундай савол қўйиб унга ўзи жавоб берди: — Чунки ерни яхши ишламадик... Яна. Бир неча йил муқаддам совхозда саккизта тик дренаж кавланган эди. Бироқ уларнинг биронтаси ҳам ишламаётир. Роса тер тўкамиз, ерни қаричма-қарич ўзлаштирамиз, лекин улар қайтадан шўрланаяпти, чунки дренаж тармоғи ишламаётир.

— Кадрларни танлашда ҳам кўпгина нуқсонлар бор, — таъкидлади совхознинг бўлим бошқарувчиси Ҳ. Абдуллаева. — Бригадаларнинг, бўлимларнинг раҳбарлари жуда тез ўзгартирилади.

Райком секретари коммунистларнинг фикрларини, таклифларини ёзиб оларди, қизариб ўтирарди. Бу ўринда район партия комитетининг йўл қўйган хатолари ҳам йўқ эмасди. «Беғамлик қилдим, эътибордан қочирдим, — ўз-ўзига таъна қиларди у. — Илғор хўжаликлардаги муваффақиятлар худди сершох қайрағочга ўхшаб қолоқларни тўсиб қўйди. Улар панада қолиб кетди. Панада қолган нарсаларнинг ҳаммаси эса ҳаётбахш нурлардан бебаҳра бўлади, нимжон ўсади».

Фикрларга якун ясаётиб ўз-ўзини танқид тариқасида эътироф этди:

— Бугунги йиғилишимиз — ибратли сабоқ. Биринчи секретарь сифатида кўп ўринларда мен ҳам айбдорман. Бу ҳақда гапириш оғир, лекин факт-фактлигича қолади. Ишимизни қайта қурамиз. Сизлар ҳам куч-ғайрат сарфлайдиган нарсалар бор. Бу ерда фойдаланилмаган резервлар тўғрисида гапирилди. Келинг, уларни ҳаракатга киритайлик, ҳар биримиз ўз ўрнимизда ишга туширайлик.

Асосий айб нимада? Лоқайдликда, эпсизликда, дангасаликда. Худди мана шуларни бартараф этиб ўтмоқ лозим. Бу ўринда ҳам биз, коммунистлар намуна кўрсатишимиз керак. Ишга муносабатимиз билан ибрат бўлишимиз лозим.

Бошқа йиғилишларда ҳам кескин фикр олишувлар бўлиб ўтди. Уларга район партия комитетида якун ясалди. Бир қатор амалий тадбирлар белгиланди.

**РАЙКОМ ҚАРОРИДАН:**

**«Мумкин бўлган барча чоралар кўрилсин ва 1983 йили давлат қарзи қоплансин, бу мавсумда берилмаган 5,5 минг тонна пахта қўшимча равишда топширилсин».**

...Ҳар куни бирор соат ажратиб Каримов албатта пахтазорларда бўлади. Терим жадал давом этмоқда. Уйга кайфияти кўтарилиб қайтади. Ҳосил ўтган йилгидан яхши. Давлатга 60 минг тонна, пландагидан етти минг тонна ортиқ «оқ олтин» сотиш имкони бор. Демак давлат олдидаги қарз тўла қопланади. Чорвадорлар ҳам ишни тўғрилаб олишди. Яхшигина озуқа базаси яратилди. Ҳозирдаёқ сут, гўшт ишлаб чиқариш бўйича уч йиллик топшириқ бажарилди.

**И. МУҚИМОВ,**
**А. ЧЕРНЯК,**
**(«Правда»нинг махсус мухбирлари).**

**Сирдарё области.**
**(«Правда» 12 октябрь).**

# ПЛАНЕТАНИНГ БИР КУНИ

## ВЕНАДАГИ МУЗОКАРАЛАРДА

ВЕНА. (ТАСС). Марказий Европада қуролли кучлар ва қурол-яроғларни ўзаро қисқартириш тўғрисидаги музокараларнинг 13 октябрдаги ялпи мажлисида ГДР делегациясининг бошлиғи А. Виланд сўзга чиқди. Матбуот конференциясида журналистларга маълум қилинганидек, у ҳозирги вазиятда Вена музокараларида реал силжишга эришиш ниҳоятда зарур эканлигини уқтириб ўтди. Варшава Шартномасидаги давлатлар 1983 йилнинг февралида киритган таклифлар бунинг учун шарт-шароитларни яратиб беради.

## КОНФЕРЕНЦИЯ ЎЗ ИШИНИ БОШЛАДИ

НАЙРОБИ. Жаҳон инженерлик ташкилотлари федерациясининг бу ерда очилган халқаро конференцияси иштирокчилари ўз нутқларида ядро фалокатининг олдини олиш, янги жаҳон уруши алангаси кўтарилишига йўл қўймаслик масаласини асосий мавзу қилиб олдилар. Конференция ишида 90 мамлакатдан келган 300 дан кўп делегация, шу жумладан Совет Иттифоқининг ва социалистик ҳамдўстликдаги бошқа мамлакатларнинг делегациялари қатнашмоқда.

Кўпгина докладчилар таъкидлаб ўтганидек, жаҳонда қуролланиш пойгаси кучайганлиги ва ядро қуроли тўпланаётганлиги муносабати билан ташвишли вазият вужудга келди. НАТОнинг Ғарбий Европа мамлакатларида қанотли ракеталарни жойлаштириш плани инсоният учун, айниқса хавфлидир. (ТАСС)

Америка империализми осмон бўшлиғига ҳам ажал уруғини жойлаштириб, космосни ҳарбийлаштиришга уринмоқда ва шу билан космосда, шу жумладан космосдан туриб ерга нисбатан уруш очиш ҳақида хатарли режалар тузмоқда. (Газетадан).



Оқ уйнинг космосдаги қора ишлари.

Б. Жуков чизган расм.

## ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

### ТУНИСДА МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

ТУНИС. Бу ерда маҳаллий ва чет эл журналистлари учун бўлиб ўтган матбуот конференциясида Тунис Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари М. Хармел сўзга чиқди. У Тунис Компартияси органи «Ат-Тарикал-жадид» газетасини олти ой муддатга ёпиб қўйиш тўғрисида Тунис маъмурларининг қарорига қарши норозилик билдирди ва бу қарорнинг бекор этилишини талаб қилди. Бир қанча жамоат ташкилотларининг ва Тунис газеталарининг матбуот конференциясида қатнашган вакиллари ҳам шу талабни қўллаб-қувватладилар. (ТАСС).

## КАПИТАЛИЗМ ИЛЛАТЛАРИ

### ҚЕКСАЛИК КУЛФАТИ

**Америка Қўшма Штатларида кексаларнинг фожиали тақдири ҳақида баъзи-баъзида зорланиб гапирилади. Аммо, бу фожиаларнинг олдини олиш ҳақида бирорта чора кўрилмайди. АП агентлигининг фикрича, ҳар йили тирикчиликдан маҳрум этилган тўрт минг кекса америкалик ўзини-ўзи нобуд қилмоқда. Чунки Америкада кўпчилик учун қексалик — қашшоқлик, очлик демакдир.**

**Яқинда газеталар Калифорния штатининг Беркли шаҳридаги кексалар уйидан ўнлаб кишилар ёппасига ҳайдаб чиқарилганлигини хабар қилди. Бу кишиларнинг жамғармалари тугаган, штат хазинасидан бериладиган озгина нафақа эса уйларнинг эгалари билан ҳисоблашишга ҳам етмасди. Хусусий «худойхоналар»да яшашнинг ҳар бир куни 40 — 50 долларга тушади. Бу эса кексалар учун оғирлик қилади.**

### МАБЛАҒ ҚИСҚАРМОҚДА

**Япония ҳукумати кейинги пайтларда маориф учун ажратиладиган маблағларни мумкин қадар кўпроқ қисқартиришга интилмоқда. «Нехон Кэйдзай» газетасининг хабар беришича, мамлакат молия министрлиги келгуси йили маориф учун бериладиган маблағни яна 10—15 процент қисқартиришга қарор қилган. Газетанинг фикрича, маориф учун бериладиган маблағларнинг бу тариқа қисқартирилиши олий ўқув юртларида ўқиш учун тўланадиган ҳақнинг яна кўтарилишига олиб келади.**

## ҚОЗОҚ ТИЛИДА

«Қозоғистон» нашриёти В. И. Ленин Тўла асарлар тўпламининг эллик тўртинчи томини босмадан чиқарди. 55 томлик нашрни Қозоғистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги Партия тарихи институти босмага тайёрламоқда.

**(ТАСС).**

**ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ЧИНОЗ РАЙОНИДАГИ КИРОВ НОМЛИ КОЛХОЗНИНГ СОБИҚ БРИГАДИРИ, ИККИ МАРТА СОЦИАЛИСТИК МЕҲНАТ ҚАҲРАМОНИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ДЕПУТАТИ, ЛЕНИН МУКОФОТИ ЛАУРЕАТИ ТУРСУНОЙ ОХУНОВАНИНГ ХОТИРАСИНИ АБАДИЙЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА**

Тошкент область, Чиноз районидаги Киров номли колхознинг собиқ бригадири, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати, Ленин мукофоти лауреати Т. Охунованинг пахтачиликни ривожлантиришдаги улкан хизматларини, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига комплекс механизацияни жорий этишга қўшган катта ҳиссасини қайд этиб, меҳнаткашларнинг истакларини инобатга олиб, унинг хотирасини абадийлаштириш мақсадида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Тошкент областининг Чиноз районидаги ўрта умумий таълим мактабларидан бирига, шу райондаги 166-қишлоқ ҳунар-техника билим юртига, Тошкент областининг Чиноз районидаги Эски Тошкент қишлоқ Советига Турсуной Охунованинг номини беришга, унинг қабрига бюстини ўрнатишга қарор қилдилар.

# ФАН—ТИНЧЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛСИН

**РЕСПУБЛИКА ОЛИМЛАРИ ЕР ЮЗИДАГИ БАРЧА ТИНЧЛИКСЕВАР КУЧЛАР БИЛАН БИРГАЛИКДА ҚУРОЛЛАНИШ ПОЙГАСИНИ АВЖ ОЛДИРИШГА, ИЛМ-ФАН ЮТУҚЛАРИДАН ОММАВИЙ ҚИРҒИН ҚУРОЛЛАРИНИНГ ЯНГИ ТУРЛАРИНИ ЯРАТИШ УЧУН ФОЙДАЛАНИШГА ҚАРШИ ЧИҚМОҚДАЛАР**

Совет мактабларида бу йилги ўқув йили Тинчлик дарси билан бошланди. Биринчи қонуний ҳужжат — ленинча тинчлик ҳақидаги ҳужжат Советлар мамлакати учун айниқса қадрлидир. Бу йилги кузда ер юзидаги барча тинчликсевар кучларнинг ядро уруши хавфига қарши чиқишлари мислсиз кўлам касб этди. Ер юзида тинчликнинг таянчи бўлган бизнинг социалистик Ватанимиз ана шу ҳаракатнинг олдинги сафларида бормоқда.

— Биз — тинчлик кишиларимиз, буни сўнгги уруш йилларида 20 миллион кишисидан ажралган Ватанимизнинг тарихи кўрсатиб турибди. Шу боисдан ҳам биз партия ва ҳукуматимизнинг тинчликсевар сиёсатни изчиллик ва собитқадамлик билан ўтказаётганлигидан, қурол-яроғларни қисқартиришга, тўла ва ялпи қуролсизланишга қаратилган тинчлик ташаббуслари билан чиқаётганлигидан чексиз фахрланамиз.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ю. В. Андроповнинг Баёноти биз, фан арбоблари қалбида чуқур ва ҳаяжонли акс-садо берди. Бу Баёнотда АҚШнинг ҳозирги маъмурияти ўтказаётган милитаристик йўл, қуролланиш пойгасининг тинимсиз авж олдирилаётганлиги принципиал баҳоланган, халқаро кескинликни юмшатишнинг аниқ йўллари кўрсатиб берилган. «Ҳозирги қалтис вазиятда ҳам, — дейилади ўртоқ Ю. В. Андроповнинг Баёнотида, — халқаро ишларда қайси йўлдан бориш хусусида совет раҳбарларида ҳеч қандай савол туғилаётгани йўқ. Бизнинг йўлимиз аввалгидек тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлашга, кескинликни юмшатишга, қуролланиш пойгасини жиловлашга, давлатлар ўртасида ҳамкорликни кенгайтириш ва чуқурлаштиришга қаратилган. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, бутун совет халқининг ўзгармас хоҳиш-иродаси мана шундай...»

Ҳа, халқимизнинг иродаси шундай. Уруш нақадар кулфат ва ташвишлар келтиришини ҳар бир совет киши яхши билади: кекса авлод урушни бошидан кечирди. У фашизм билан шафқатсиз олишувда урушнинг барча оғирликларини ва ғам-аламларини енгди ва ғалаба қозонишга муваффақ бўлди. Бугунги кунда урушқоқ телбалар яна қурол-яроғ билан — янада ҳалокатли ва шафқатсиз қурол-яроғ билан дўқ-пўписа қилмоқдалар. Ядро можароси қанчалик кулфатлар келтириши мумкинлигини биз, олимлар яхши тушунамиз. Хиросима ва Нагасакида қўлланилган ядро зарядларининг оқибатлари ҳали-ҳалигача урушдан кейин туғилган болаларда ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Агар янги уруш бошланиб кетгудек бўлса планетамиз даҳшатли ёнғин алангаси ичида қолади. Бу оловда бор мавжудот куйиб кул бўлади.

«Мислсиз миқдордаги қурол-яроғларнинг оғирлигидан планетамизнинг бели букилай деб турибди, — деб таъкидланди БМТ Бош Ассамблеясининг 38-сессиясида совет делегациясининг нутқида. — Унда мисли кўрилмаган вайронгарчилик келтирувчи қудрат тўпланган. Шундай ҳолатга етиб келиндики, бу қурол ишга солингудек бўлса, инсоният цивилизацияси тақдирининг ўзи ҳам таҳлика остида қолади». Сессиянинг кун тартибига ядро урушини қоралаш ва қуролланиш пойгасини жиловлашга қаратилган қатор муҳим ташаббусларни олиб чиқиб, Совет Иттифоқи ўзининг тинчлик ишига содиқ эканлигини яна бир бор исбот этди.

Мамлакатимизнинг олижаноб мақсади, унинг ер юзида тинчликни сақлаб қолишдан иборат энг муҳим вазифани ҳал қилиш учун бутун кучларни бирлаштириш ҳақида бир битимга келишиб олишга интилиши бизнинг ижтимоий тузумимизнинг кучсизлигини билдирувчи белги эмас. Улкан иқтисодий потенциал, совет фанининг энг сўнгги ютуқлари — буларнинг ҳаммаси атом телбаларига, агар улар социализм дунёсига таҳдид қиладиган бўлсалар, тегишли жавоб қайтариш имконини беради. «Аммо биз оммавий қирғин қуролини ишлаб чиқариш ва жамғариш соҳасида мусобақалашишнинг принципиал душманларимиз, — дейилади ўртоқ Ю. В. Андропов Баёнотида, — Бу соҳада мусобақалашиш — бизнинг йўлимиз эмас. Бу нарса инсоният олдида турган давлатларнинг иқтисодий ривожланиши, атроф-муҳитни сақлаб қолиш, одамларнинг энг оддий турмуш шароитларини вужудга келтириш, уларнинг овқатланиши, сиҳат-саломатлиги, таълим олиши сингари проблемалардан биронтасини ҳал этишга олиб бора олмайди. Қуролланиш пойгасига беҳуда сарфланаётган моддий ресурсларни бўшатиб олиш, инсоннинг битмас-туганмас ижодий имкониятларини қулф урдириш — одамларни бирлаштира оладиган соҳадир, XX ва XXI асрлар маррасида давлатларнинг сиёсатини белгилаб берадиган омил мана шундан иборат». Ҳа, биз фан арбоблари бажаришимиз керак бўлган энг муҳим вазифа — мамлакатимиз экономикасини янада ривожлантиришга, совет кишиларининг фаровонлигини оширишга имкон берадиган самарали ишлашдан иборат. Олимларимизнинг куч-ғайрати ҳамиша худди ана шу нарсага қаратилгандир.

Ғарбдагилар атом бомбасини яратишда ўзларининг биринчи эканликлари билан мақтаняптилар. Совет кишилари эса жаҳондаги биринчи саноат атом электр станцияси бизнинг мамлакатимизда қурилганлиги билан фахрланадилар. Биз атом энергиясидан биринчи бўлиб инсон бахт-саодати йўлида фойдаланишни бошлаган эдик. Бугунги кунда тинч атом Ўзбекистонда ҳам «ишламоқда». Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Ядро физикаси институти ходимлари муҳим илмий-тадқиқот масалаларини ҳал қилиб, ядро физикасининг энг янги ютуқларини республика халқ хўжалигига жорий этмоқдалар.

Бугунги кунда Ўзбекистон олимлари ҳал қилаётган муаммолар доираси жуда кенг ва хилма-хилдир. Қуёш физикаси ва ядро физикаси, мустаҳкамлик ва зилзилага чидамлиликнинг илмий асослари, рангли ва ноёб металлар химияси ва технологияси, медицина учун юксак самара берадиган препаратларни яратиш, ғўзанинг вилтга чидамли ва серҳосил навларини яратиш, зилзилани прогноз қилиш методларини ишлаб чиқиш, тупроқ ҳосилдорлигини ошириш учун уни тадқиқ қилиш сингари муаммолар ана шулар жумласидандир. Бу ва бошқа шу каби муаммоларнинг кўпчилиги мамлакат халқ хўжалигини янада ривожлантириш, унинг экономикасини мустаҳкамлаш билан бевосита боғлиқдир. Кўп қиррали бу фаолиятнинг ҳаммаси инсон бахт-саодати йўлида олиб борилмоқда.

Ўзбекистон олимлари бошқа қардош республикалар, кўпгина хорижий мамлакатларнинг фан арбоблари билан қалин ҳамкорликда иш олиб бормоқдалар. Улар биргаликда тадқиқотлар ўтказмоқдалар, тажриба алмашмоқдалар, ечимларни жорий этиш билан шуғулланмоқдалар. Ўзбекистонда халқаро симпозиумлар, анжуманлар, дунёдаги кўпгина мамлакатлар олимларининг учрашувларини ўтказиш одат тусига кирди ва улар халқлар ўртасида дўстликни ва ўзаро ишончни мустаҳкамлашга ёрдам бермоқда.

Ана шу учрашувлар жараёнида биз бошқа мамлакатларнинг олимлари Совет Иттифоқининг тинчликсевар сиёсатини қўллаб-қувватлаётганини, қуролланиш пойгасини янада авж олдириш нималарга олиб келиши мумкинлигини яхши ҳис қилишаётганини кўриб турибмиз. Уларнинг кўпчилиги тинчлик учун курашнинг олдинги сафларида бормоқдалар. Биз бугунги кунда тинчлик тарафдорлари ҳаракатининг асосчиларидан бири, буюк француз олими Фредерик Жолио-Кюри сўзини яхши эслаймиз. У 1949 йилнинг баҳорида Парижда ўтган тинчлик тарафдорларининг биринчи Жаҳон конгресси делегатларига мурожаат қилиб шундай деган эди: «Биз бу ерга тинчлик тўғрисида илтимос қилиш учун тўпланганимиз йўқ. Биз уруш оловини ёқувчиларни ўзларининг ёвуз ниятларидан воз кечишга мажбур қилиш учун тўпланганмиз».

Ядро урушининг бемаънилигини яхши тушунувчи олимларнинг овози бугун бутун планетада баралла янграмоқда. Бу овоз Москвада ўтган 800 минг кишилик урушга қарши манифестацияда, Париж ва Лондон, Нью-Йорк ва Мадриднинг кўча ва майдонларида шу кунларда кенг жамоатчиликнинг қуролланиш пойгасини жиловлашни талаб қилиб ўтаётган оммавий намойишларида баралла янграмоқда.

Илм-фан ютуқлари тинчлик ишига, инсоният бахт-саодати учун хизмат қилиши керак. Планетанинг энг яхши олимлари қанотли ракеталар, нейтрон бомбалар, химиявий, бактериологик, космик қурол-яроғларнинг янгидан янги турларини яратиш учун ижод қилмасликлари лозим. Минглаб лабораториялар, конструкторлик бюролари, энг замонавий илмий-тадқиқот аппаратлари инсон меҳнатини, унинг ҳаётини енгиллаштирувчи янада такомиллашган системалар яратиш учун хизмат қилиши даркор. Бугунги кунда инсоният олдида қанчадан қанча долзарб муаммолар турибди. Уларни фан арбобларининг ижодий изланишлари, мўътабар фикрларигина ҳал қилиши мумкин. Уларнинг илҳоми жамиятга ерни яшартириш, янги ва ажойиб шаҳарлар яратиш, ер ости бойликларини ва коинотнинг бепоён бўшлиқларини ўзлаштириш учун, инсониятнинг келгуси авлоди тинч ва бахтли яшаши учун керак.

Биз, Ўзбекистон фан арбоблари ўз овозимизни барча тинчликсевар кучларнинг ялпи даъватига қўшамиз — қуролланиш пойгаси тўхтатилсин, планетада тинчлик сақлаб қолинсин! Бугунги кунда инсоният олдида бундан кўра масъулиятлироқ вазифа йўқ. Биз урушга, халқаро муносабатларда куч ишлатишга қатъиян қарши чиқамиз. Социализмга қарши «салб юриши»ни авж олдирганлар шуни билиб қўйсинларки, тарихни орқага қайтариб бўлмайди. «Першинг»лар ва қанотли ракеталарни кўпайтиришга йўл йўқ! Тинчлик учун буюк курашга кенг йўл!

**С. Ҳ. СИРОЖИДДИНОВ,**
**Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги,**

**Г. А. ПУГАЧЕНКОВА,**
**Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси,**

**В. В. КИМ,**
**Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси,**

**Ю. Т. ТОШПЎЛАТОВ,**
**химия фанлари доктори.**

